

АХМАД ДОНИШНИНГ “НОДИР ВОҚЕАЛАР” АСАРИДА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

Вазира Садуллаева

Бухоро давлат университети докторанти

Бухорода диний-маърифий ислохотларнинг бошланишида комусий билим соҳиби, “Аҳмад маҳдум”, “Аҳмад маҳдуми дониш”, “Аҳмад маҳдуми муҳандис”, “Аҳмад маҳдуми мунажжим”, “Аҳмад калла” номлари билан машҳур бўлган Аҳмад Дониш (1827-1897) муҳим ўрин тутади.

Аҳмад Дониш 1890-1891 йилларда Садри Зиё, Абдулмажид Зуфунун, Яхё Хўжа, Содик Хўжа Гулшаний, Ҳомидбек, Абдулла Хўжа Таҳсин, Қори Абдукарим Офарин (Дўзахий) дан иборат демократик қарашдаги шогирдлари ва сафдошларини ўз атрофида бирлаштирди. Улар Донишнинг маърифатпарварлик ғояларини қўллаб-қувватлаб, амирликдаги мавжуд муаммоларга ўз муносабатларини билдирдилар [1: 332].

Аҳмад Дониш 20 га яқин илмий-бадий асарлар муаллифи бўлиб, уларда жамиятни ислоҳ қилиш ҳақидаги фикрларини илгари сурган. Унинг муҳим асарларидан бири “Наводирул-вақое” бўлиб, 1870-1885 йилларда ёзилган [2: 18].

“Наводир ул-вақое” асари 23 бобдан иборат бўлиб, мустақил асар сифатида китобга киритилган “Мамлакатни бошқариш ва халқни

маърифатли қилиш” ҳақидаги рисола асарнинг энг йирик бобидир. Ушбу рисолада мутафаккирнинг сиёсий қарашлари ифодаланган бўлиб, муқаддима, 3 қисм ва хотимадан иборат. Биринчи қисмда амир, раиснинг феъл-атвори ва бошқа давлат арбобларининг халқ билан одилона муносабатда бўлишлари; иккинчи қисмда ҳукмдорларнинг аскарлар, давлат арбоблари ва хизматчилари билан қандай йўл-йўриқ тутишлари; учинчи қисмда шоҳларнинг юртни, элни идора қилиш усуллари, адолатли бўлишлари лозимлиги ҳақида сўз боради.

Дониш рисоланинг муқаддимасида асар ҳукмдорларга низомнома сифатида ёзилганлигини таъкидлаб, подшо ва унинг амалдорларида бўлиши зарур бўлган фазилатларни санаб ўтади. У давлат амалдорлари инсофли, ишончли ва тўғри сўз бўлса, давлатни бошқара олиши, агар ахлоқсиз, адолатсиз бўлса, фармонлари ва қарорлари халққа таъсир этмаслигини уқтиради [2: 38]. Аҳмад Дониш “Сиёсий рисола”сида ислохотларни амалга оширишга қодир “одил ҳукмдор” тимсолини яратди. Подшоҳ одил бўлиши учун ўнта шартга амал қилмоғи лозим, деб уларни бирма-бир санаб ўтган:

1. Бирор масалани кўриб чиққанда, ишни адолатли ҳал қилиш учун ўзини шу вазиятда кўра билиш;
2. Тез, ҳозиржавоб бўлиб, кишиларни куттирмаслик;
3. Шариатга қарши чиқмаслик;
4. Яхшилик қилиш, худбин бўлмаслик;
5. Олимлар, маърифатли донишмандлар билан маслаҳатлашиш;
6. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш;

7. Овқатланиш ва кийиниш одобига риоя қилиш;
8. Қўполлик қилмай, ҳар бир ишни исботи билан кўриш;
9. Қўл остидагиларни адолатли, виждонли бўлишга чақирган ҳолда ўтган халифалар изидан бориш;
10. Камтар ва мурувватли бўлиш [2: 41-46].

Шунингдек, Аҳмад Дониш халқ манфаатларини таъминлаш учун қуйидаги 5 шартни бажариш лозимлигини таъкидлайди:

- *адолатли ва кучли подшо бўлиши;*
- *давлат лавозимидаги шахслар адолатли, виждонли бўлиши;*
- *ҳар бир шаҳарда етарлича табиб ва шифокорлар бўлиши;*
- *мусофир, ёрдамга муҳтож кишиларга ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари;*
- *деҳқончилик учун сув етарли бўлиши шарт* [2: 74-48].

Аҳмад Дониш подшога иқтисодий-ижтимоий соҳага оид ҳам ўз таклифларини беради:

1. *Банклар ташкил этиши.* Бунда давлат ҳукмдори солиқлардан йиғилган маблағлар ҳисобига банклар ташкил этиши, ҳунармандлар ва савдогарларга белгиланган муддатларда қайтариш шarti билан паст фоизли кредитлар бериши керак [2: 49].

2. *Меҳнатга қобилиятли кишиларни ишга жалб этиши.* Подшоҳ соғлом кишиларни мажбурий бўлса ҳам, йўл тузатиш, кўприк солиш, бинолар қуриш каби ишларга жалб этиши лозим, деб таъкидлайди Аҳмад Дониш.

3. *Ногиронларга подшоҳ хазинасидан нафақа ажратиши.* Шу билан бирга уларнинг қобилиятига яраша бирор хунар ўргатиш.

Аҳмад Дониш мансабдор шахсларни лавозимларга тайинлаш бўйича ҳам ўз фикрларини тақдим этган. Жумладан, подшо номзодни ижтимоий келиб чиқишига қараб эмас, балки билими ва хулқига қараб танлаб олиши, мансабларини суистеъмол қилмасликлари учун фаолиятларини вақти-вақти билан назорат қилиб туриши, уларга давлат хазинасидан маош тайинлаши керак [2: 53-54], - деб ҳисоблайди.

Мутаффакир конституцион монархия тарафдори бўлиб, амирликда Европа мамлакатларидаги каби Парламент³⁴ тузишни тавсия қилади ва: *“Султон бўлсин, албатта ҳар бир табақадан вакили бўлсин, ҳар бир каттароқ, муҳимроқ иш учун ҳар қавмда йигилиш қилсин. Дорулмашварат (Парламент) тайинлансин, унда муносиб раис бўлсин, ҳар кун табақалар вакиллари тўпланиб, мамлакат ишлари, иқтисодиёти, ободончилиги ҳақида йигилиш қилсинлар, ҳар бир ишнинг яхши-ёмон томонларини маслаҳатлашиб, бир фикрга келсинлар”* [2: 59-60], - деб ёзади.

Дониш ҳукмдор хузурида бош вазир, киримлар ва чиқимлар бўйича вазир, ҳарбий ишлар вазири, маориф вазири, умумий ишлар вазири, ички ишлар вазири, канцелярия бошлиғи, бош сув тарқатувчи (мироббоши) каби юқори лавозимларни жорий қилишни таклиф қилади [2: 63-64].

³⁴ Парламент – (инглизча, “parliament”, французча “parlement”) вакиллик муассасаси бўлиб, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, яъни давлатнинг қонунларини қабул қилишда мутлақ ҳуқуқга эга бўлади.

Дониш амирликнинг барча мансабларини давлатнинг фойда-зиёни билан қизикмайдиган, мамлакат ва халқ учун манфаатли бўлмаган хушомадгўй кишилар эгаллаб олганлигини таъкидлаб, бунинг олдини олиш учун илм аҳлига, ҳунар эгаларига қобилиятларига яраша мансаб бериш керак, деб ҳисоблайди. Улар ўз билим ва ҳунарларини мамлакат тараққиёти йўлида сарфлаганда, мамлакат обод бўлиб, хазина бойиши ва салтанат мустаҳкамланиб, давлатнинг қудрати ошиши мумкинлигини таъкидлайди ва: *“Кимнинг сўз ва фаҳм қуввати кучли бўлса, ундай кишини элчиликка, қайси одам шижоатли ва ҳайбатли бўлса, уни аскар бошлиғи этиб, агар инсофли ва диёнатли бўлса, қозилик ва ҳокимлик мансабларига, агар олийҳиммат ва ақлли бўлсалар, у ҳолда вазирлар ҳамда амирлар шундай одамлардан тайинласин”* [2: 64], - деб ёзади.

Аҳмад Донишнинг фикрича, давлатнинг энг биринчи вазифаси – халқ ҳақида ғамхўрлик қилиш бўлиб, бунинг учун ҳокимлар давлат иқтисодиётининг юксалиши, каналлар қозиш, сув омборлари, йўл, кўприк қуриш, ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларини қайта ишлаш, халқни маърифатли қилиш, фан ва техникани ривожлантириш, мактаб, махсус ўқув юртлари очиш ҳақида қайғуришлари лозим бўлган. Бу билан Дониш давлат манфаатларининг халқ хоҳишларига бўйсунганини кўрсатган эди [3: 128].

Аҳмад Дониш асарида давлат бир гуруҳ кишининг эҳтиёжларини кондиритиш учун эмас, халқ учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилиши зарурлиги, бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил

бўлиши, қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввал ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилиши кераклигини шарт қилиб қўйган.

“Наводир ул-вақое” асарида илм-фанга алоҳида боб ажратилган бўлиб, *“Фарзандларга васият. Касб ва ҳунарнинг фойдалари”* деб номланган. Ушбу бобда билим олишнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Дониш шариат асосларини – энг ҳурматли илм, фикҳ, дин қонунчилиги, фатво илми, юридик ҳужжатларни ёзиш илми, ҳаттотлик, тиббиёт, мирзолик, астрономия, шеърят – ижтимоий фикрни, инсон ақли ва руҳини тарбияловчидир, деб таърифлайди. Илм ўрганишнинг фарзлиги ҳақида: *“Ҳар бир мусулмон одам энг аввало ўзига зарур бўлган илмларни ўқиши фарздир. Шундан сўнг тирикчилик учун бирор касб-ҳунар ўрганиши лозим. Қайси илм ва ҳунар кишининг ақлига, руҳига тарбия берар экан ундай илм ва ҳунар ўз эгасини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қўллаб-қувватлайди. Агар илм ва ҳунар руҳга тарбия бермай, танни семиртириб, орзу-ҳавасни кўпайтириб, нафси шайтонга ёрдам берадиган бўлса, ундай илм ва ҳунарлар эгасининг офати, худонинг лаънатидир. Шариатда илм ўқишда халқни тўғри йўлга солиш, уларга илм-амал ўргатишдан бошқасини, зинҳор ўйламанглар”* [2: 326], - деб ёзади.

Аҳмад Дониш Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий фикрларини умумлаштириб, Бухоро ва Россия давлат қурилиши ҳамда қонунчилиги ўрганиб, ўзининг қарашлар тизимини ишлаб чиққан. Унинг “Наводир ул-вақоеъ” асари ва ундаги тараққийпарвар ғоялари XIX аср охири

маърифатпарварлари ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланишида асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. - Тошкент: Tafakkur, 2016.
2. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Форс-тожикчадан А. Ҳамроев ва А. Шокиров таржимаси. - Тошкент: Фан, 1964.
3. Ташкулов Дж. Туси. Дониш. - Москва: Наука, 1990.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/034>

СУННАТ, УНИНГ МОХИЯТИ ВА МАЗМУНИ ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Улфатиллаева Сайёра Собиржон қизи

ЎЗМУ “Фалсафа тарихи” кафедраси докторанти

Илм аҳлига маълумки муҳаддислар, хусусан, кейинги уламолар «ҳадис» ва «суннат» бир маънодаги сўзлардир, деган фикрга тўхталганлар. Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари фел-атворлари ёки бирор тақрирлари, яъни бирор масалага розиликлари, тўхтамлари ёхуд бирор сифатларининг ифодаси, умуман олганда, шаръий ҳукмлар ҳадис ёки суннат дейилади.